

АБУЛҚОСИМОВ Мурод Ҳасанович,

Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчиси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

УДК 334.012.8

АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида инсон хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинган.

Таянч иборалар: хавфсизлик, инсон хавфсизлиги, шахснинг иқтисодий хавфсизлиги, ички таҳдид, ташқи таҳдид, ишсизлик, камбағаллик, давлатнинг ижтимоий сиёсати, ҳаракатлар стратегияси.

АБУЛКАСИМОВ М.Х. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ И ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

В статье обсуждаются внутренние и внешние угрозы безопасности человека, теоретические аспекты и основные направления обеспечения его экономической безопасности в условиях рыночной экономики.

Ключевые слова: безопасность, безопасность человека, экономическая безопасность личности, внутренние угрозы, внешние угрозы, безработица, бедность, государственная социальная политика, стратегия движений.

ABULKASIMOV M.KH. THEORETICAL ASPECTS AND WAYS TO ENSURE THE INDIVIDUAL'S ECONOMIC SECURITY IN A MARKET ECONOMY

There is discussed in the article internal and external threats to human security, theoretical aspects and main directions of ensuring its economic security in a market economy.

Keywords: security, human security, individual economic security, internal threats, external threats, unemployment, poverty, state social policy, strategy of movements.

Инсоният жамиятининг барча босқичларида инсон, шахс хавфсизлиги муҳим масала ҳисобланган. Аммо ҳар бир босқичда бу масала ўзига хос мазмун, тавсиф ва уни ҳал этишнинг дастак ва усулларига эга бўлган. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида инсон хавфсизлиги ва уни таъминлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлган долзарб муаммога айланган.

Инсон хавфсизлиги концепцияси биринчи бўлиб покстонлик машҳур олим Маҳбуб ул-Ҳақ томонидан тақдим қилинган бўлиб, «муҳтожликдан холилик» ва «қўрқувдан холилик» сифатида аниқланган ва «очарчилик, касаллик ва тушкунликдан сақланиш, шунингдек, одатдаги турмуш, яъни уй, иш ёки жамиятда кутилмаган ва ҳалокатли ҳодисалардан ҳимояланишдир», деб таърифланган (БМТ Тараққиёт Дастури, Инсон тараққиёти маърузаси, 1994). Ушбу маърузада инсон хавфсизлигининг еттита тоифаси санаб ўтилган: иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, саломатлик хавфсизлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, шахсий хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик ва сиёсий хавфсизлик.

БМТТД таърифига асосан инсон хавфсизлиги «муҳтожликдан холилик», «қўрқувдан холилик» ва «ўз кадр-қиммати ҳис қилиб турмуш кечириш» маъноларини англатади ва уларга асосланиб, хавфсизлик хатарлари билан бир қаторда ривожланиш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш муаммоларига асосий эътибор қаратилади.

Инсон хавфсизлиги қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Қашшоқликдан холилик, қўрқувдан холилик ва ўз кадр-қиммати ҳис қилиб турмуш кечириш.

2. Зулмининг анъанавий услублари доирасидан чиқиб кетувчи янги таҳдидни барта раф қилиш.

3. Хавфсизликнинг янги тизими фақатгина мамлакат хавфсизлигига қаратилмаслиги (инсонларга урғу бериш билан).

4. Ривожланиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

5. Инсонлар учун хавф-хатар уларнинг тирикчилиги (жисмоний эксплуатация, жабр-зулм, таъқиб, ўлим), ҳаёт кечириш (ишсиз-

лик, саломатлик, хавф-хатар, озиқ-овқат тақчиллиги ва ҳ.к.) ва ўз қадрини билишга (инсон ҳақ-ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши, тенгсизлик, сегрегация (ирқий камситиш шаклларида бири), сиқиб чиқариш, камситиш ва ҳ.к.) таҳдид ҳисобланиши мумкинлигини англаш.

6. Одамларнинг имкониятларини таъминлайдиган ва кенгайтирадиган, уларнинг ҳимоясини кафолатлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан ушбу мақсадларга эришиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ўз келажаги, яхши яшаш, ўзининг турмуш даражасининг ошиб бориши, яшаш шароитларининг яшиланиши, тинч, хавф-хатарсиз яшашга умид қилади ва бунга ишонч, кафолат бўлишини истади. Инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган, уларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиган омиллардан ҳимояланганлиги шахс хавфсизлиги деб аталади. Шахс хавфсизлиги ўз ичига унинг ҳаёти, саломатлиги, эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, кадр-қиммати, шаъни ва обрўси, мол-мулкига қилинган тажовузлардан ҳимояланишни олади¹.

Инсон хавфсизлигининг муҳим таркибий қисмларидан бири унинг иқтисодий хавфсизлиги бўлиб, иқтисодий адабиётларда шахс иқтисодий хавфсизлиги ҳам келтирилади. Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги унинг ҳаётининг манфаатлари, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг ҳимоя-

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -83-б.

ланганлигини ифодалайди¹. Шахс манфаатлари, хавфсизлигига таҳдидлар кўп қиррали бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадларни қўйиши, уни белгилашда хатога йўл қўйиши;

- бошқа, ташқи ижтимоий-иқтисодий тизимлар таҳдиди;

- ички ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келадиган таҳдидлар;

- табиий тавсифдаги таҳдидлар.

Инсон хавфсизлигига таҳдидлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳтиёжлари ўсишига нисбатан орқада қолиши, циклик ўзгаришлар, бозор конъюнктурасидаги тебранишлар, иқтисодий инқирозлар, ҳудудлар ривожланишидаги номуносивбликнинг кучайиши, табиий ёки инсон, капитал ресурсларининг етарлимаслиги, жамиятда урбанизация жараёнларининг кучайиши, ташқи атроф-табиий муҳитнинг зарарланиши ёки ёмонлашуви ҳамда маълум ижтимоий ҳаракатлар туфайли вужудга келади. Таҳдидлар, шунингдек, турли давлатлар ҳамда улар билан ҳамкорлик қилувчи сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлик кучлари ўртасидаги низо, зиддият, қарама-қаршиликларнинг кучайиши сабабли ҳам вужудга келиши мумкин.

Таҳдидлар ичида шахсга тажовуз, зўравонлик алоҳида хусусиятга эга. Зўравонлик маълум ижтимоий гуруҳнинг бошқасига нисбатан иқтисодий ёки сиёсий ҳукмронликни сақлаш ёки қўлга киритиш мақсадида қилинган тажовуз, мажбурлаш ҳамда жисмоний ёки психологик таъсир этишга уриниш ҳисобланади.

Ижтимоий жиҳатдан зўравонлик инсон шахсини камситиш, дискриминация қилиш, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини чеклаш орқали шахснинг ҳаёти ва нормал фаолиятига таҳдид солишда намоён бўлади.

Иқтисодий соҳада инсон шахсига нисбатан тажовуз рэкетда, товламачилик ва фирибгарликда ўз ифодасини топади. Шахснинг хавф-

сизлигига нисбатан жинойий мазмунга эга таҳдидларнинг янги шакллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- маълум ҳақ эвазига шахснинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида буюртма асосида шахсни ўлдириш, қўрқитиш, зўравонлик қилиш;

- бойиш мақсадида иқтисодий ташкилий жиноятчилик билан бирикиб кетиш;

- товламачилик мақсадида одамларга тазйиқ ўтказиш, мол-мулкани фирибгарлик билан қўлга киритиш.

Шахс билан боғлиқ таҳдидлар ичида ижтимоий-иқтисодий таҳдидларни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Уларга қуйидагилар киради:

- ишсизлик. Ишсизлик келиб чиқишининг уч хил сабаби ва шакли мавжуд. *Фрикцион ишсизлик* – кишининг бирон жойга кўчиши, юқори ҳақ тўланадиган, меҳнат шароитлари яхши бўлган бошқа ишларга ўтиши ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишсиз қолиши. Бундай ишсизлик кўпгина ҳолларда ихтиёрий тавсифга эга бўлади. Иқтисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар натижасида, маълум касбдаги ходимларга талаб камаяди ёки бу касб-корлар йўқ бўлиб кетганлиги учун уларга талаб бўлмай қолганда вужудга келадиган ишсизлик *таркибий ишсизликдир*. Ушбу икки ишсизлик шакли табиий бўлиб, уларнинг даражалари табиий ишсизлик даражаси ҳисобланади. *Циклик ишсизлик* эса иқтисодиётдаги циклик тебранишлар, кризис ва танглик, турғунлик ҳолатларининг кучайиши туфайли вужудга келади;

- камбағал бўлиб қолиш;

- жамиятда аҳолининг ижтимоий ва мулкӣ табақаланиши, даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши, камбағал аҳоли қатламларининг кўпайиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши;

- меҳнат шароитларининг ёмонлашуви, ишчи кучи малакаси ва сифатининг пасайиши;

- аҳоли умр узоқлиги, давомийлигининг қисқариши, туғилиш даражасининг пасайиши, ўлим даражасининг ўсиши, аҳоли табиий

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиёт: қисқача изоҳли луғат. - Т.: «Ноширлик ёғдуси», 2015. -291-292-б.

ўсиши суръатларининг ҳаддан ташқари пасайиб кетиши;

– уйсиз ва ишсиз, дайди кишилар, гадойлар ҳамда қаровсиз болалар, люмпен пролетариатнинг кўпайиши;

– хуфёна иқтисодиёт кўламининг кенгайиши, порахўрлик, коррупция, товламачилик, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши;

– соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш нархларининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши ва сифатининг пасайиши, аҳоли кўпчилик қисмининг даволаниш ва таълим олиш имкониятларидан маҳрум бўлиши;

– аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида оммавий ахборот воситалари, интернетда маданий-оқартув тадбирларида ахлоқсизлик, бузғунчилик, маънавий қашшоқлик турмуш тарзининг зўр бериб тарғиб ва ташвиқот қилиниши жуда хавfli таҳдид ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида шахс иқтисодий хавфсизлиги унинг ишсизлик, бозори касод (банкрот) бўлиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий сабаблар оқибатида камбағал бўлиб қолиши хатаридан сақланишда ифодаланади. Камбағаллик ва қашшоқлик инсон учун энг даҳшатли хавф ҳисобланади. Камбағаллик – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳолининг кўрсаткичидир. Камбағаллик бошқача қилиб айтганда, ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият ҳамдир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Камбағаллик ҳолати ресурсларнинг узоқ муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни харид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўпланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади. Камбағаллик сабаблари турлича бўлиб, улар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

– иқтисодий (ишсизлик, иш ҳақининг камлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, тармоқнинг рақобатбардош эмаслиги);

– ижтимоий-тиббий (ногиронлик, қарилик, касалланиш даражасининг юқорилиги);

– демографик (тўла бўлмаган оилалар, оилада боқимандаларнинг кўплиги);

– ижтимоий-иқтисодий (ижтимоий кафолатлар даражасининг пастлиги);

– таълим-малака (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги);

– сиёсий (ҳарбий можаролар, мажбурий миграция);

– минтақавий-географик (минтақаларнинг бир хил ривожланмаганлиги).

Шахс хавфсизлиги қуйидаги шароитлар мавжуд бўлганида реал воқеаликка айланади:

– жамият, табиатга ва ўзига-ўзи зиён етказмайдиган инсонлар типининг оммавий тарзда шаклланиши;

– ҳар бир фуқарони халқ тинчлиги, уни қуролли тўқнашувлар ва турли хавф-хатарлардан сақлаш учун курашга жалб этиш; ўз фаолиятини инсоният, жамият, халқ манфаатларига йўналтириши;

– ҳар бир оиланинг ўзини жисмоний жиҳатдан чиниқтириш ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш учун моддий маблағлари ҳамда бўш вақти етарли бўлишига эришиш;

– халқнинг кучли, адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродасини мустаҳкамлаш;

– жамиятда ҳуқуқий давлат даражасида инсонни ҳурмат қилиш ва соғлом турмуш тарзига асосланган муҳитни шакллантириш;

– инсон жамият ва жаҳон тинчлигини сақлашга бўлган хоҳиш-ирода ҳамда интилиш ҳар бир шахс турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиши¹¹.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликдан қутилишнинг муҳим йўли таълим-тарбия, билим ва касб-ҳунар олиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўзини

¹¹ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., РАГС, 2001. – С. 245.

чиништириш ҳисобланади. Шахснинг хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг ижтимоий сиёсати муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ижтимоий сиёсати, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллиги ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши лозим. Ушбу вазибаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

- фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат, касб-корлик турлари ҳамда соҳаларини эркин танлаш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

- меҳнат мотивациясининг кучли механизмини киритиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;

- аҳолини мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган гуруҳларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- таълим, ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш йўли билан аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган зарур кафолатни таъминлашга¹. Шунингдек, давлат ижтимоий сиёсати аҳолининг даромад ва мулкка эгаллик даражаси бўйича кескин табақалашувининг олдини олиш ҳамда аҳолининг тўлов талабларини кенг миқдорда қондириш ва унинг ўсишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Давлат ижтимоий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутди. Давлатнинг бу соҳадаги сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фойдаланишини кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;

- давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондиди ташкил этиш;

- кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;

- иш ҳақи ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;

- кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;

- кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;

- болалиқдан ногирон ва бошқа меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;

- ишсизлик нафақаси;

- энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳоларидаги фарқларни давлат бюджети ҳисобидан қоплаш;

- ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим жисмоний тарбия, спорт ва маданият) моддий базасини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш².

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари анча яхшиланди. Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот 6 баробардан зиёдга, аҳолининг даромадлари 9 мартага ошди. Шу давр мобайнида аҳоли сони 11 миллиондан ортиққа кўпайди ва 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 31,5 миллион кишини ташкил этди. Ўзбекистон айни пайтда ЖБ ва ХВФнинг маълумотларига кўра харид қилиш паритети бўйича **229 та** дунё давлатлари ичида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича **66-ўринни** эгалламоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Натижада, 2016 йил якуни билан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т., ТМИ, 2005. -182-б.

² Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -94-95-б.

ликнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 56,9 фоизни (2015 йилда бу кўрсаткич 56,5 фоиз бўлган), саноатда 45 фоизни (2015 йилда 40,6 фоизни ташкил этган), инвестицияларда 40,3 фоизни (36,3 фоиз), қурилишда 70,7 фоизни (68,4 фоиз), чакана савдо айланмасида 89,6 фоизни (87,1 фоиз) ва бандликда 78,1 фоизни (77,9 фоиз) ташкил этган¹.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилди. Мактабгача таълим муассасалари ва олий таълимни ривожлантириш ва сифатини ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида таълимнинг кутилаётган давомийлиги 1990 йилдаги 13,7 йилдан ҳозирги даврга келиб, 15,6 йилни ташкил этмоқда. Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси 99,6%ни ташкил этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизмининг ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида болалар ўлимнинг умумий коэффициенти 1990 йилги 34,6 промилледан 2015 йилда 10,9 промиллегача, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан тегишлича 65,3 дан 17,5 га тушди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 73,5 ёшга етди².

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошиб бориши туфайли унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳукуматимизга ишончи юқоридир. Йилдан йилга фуқароларнинг ўз келажаги, эртанги кун, турмуш даражасининг ошиб боришига умид ва ишончлари ўсиб бормоқда. Шунинг учун ақидапараст террорчилар ва айрим кучларнинг мамлакатимизда ижтимоий ларзалар

уюштиришга бўладиган уринишлари беҳудадир.

Республикамизда Президент портали, виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарининг фаолият юритиши натижасида фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш имкониятларига эга бўлиб, иқтисодий хавфсизликларига раҳна солаётган турли таҳдидларнинг олдини олишга эришмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг амалга оширилиши инсоннинг шахсий иқтисодий хавфсизлигини ташқи таҳдидлардан ҳимояланишини янада кучайтирадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар яратади. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд АҚШ доллари миқдоридидаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўйбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

«Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида. // Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси.

² Ўзбекистон республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -103-104, 106-107, 116-б.; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

тириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутати.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда¹.

Эндиликда, шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нафақат давлат бошқаруви органлари, ҳукумат, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ва нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларигагина, балки ҳар бир фуқаронинг ўзига ҳам боғлиқдир. Шахс манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдидларга муносабатда инсоннинг руҳий ҳолатининг фаоллик, бағрикенглик (толерантлик), чидамлилиқ, иродалик каби қобилият ва сифатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Фаоллик инсоннинг ўз мақсадини танлаши ва унга эришишида собитқадамлик, қатъиятлик, иродалик, мақсад сари интилувчанлик, шижоатлик, жўшқинлик билан фаолият кўрсатиш ва меҳнат қилишга шайлиги ҳисобланади. Бу ҳол шахснинг маълум билим, касб-малака ва маҳоратга эга бўлиб, ўзгарувчан вазиятлар ва ҳолатларда ҳам ўзига муносиб иш жойини эркин эгаллаш, юқори натижа ва самара билан ишлашга имкон беради. Шундагина инсон рақобатбардош ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, ўзининг самарали меҳнати, фаолияти туфайли кўпгина эҳтиёжларини қондира олади ҳамда ўзи ва оиласининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Бағрикенглик инсоннинг ахлоқий-психологик хусусияти бўлиб, инсон ночор аҳволда бўлган қариндошлари ва бошқа кишиларга ёрдам беради ва турли ижтимоий тадбирларга ҳомийлик қилади.

Сабр-тоқат, чидамлилиқ – инсоннинг ўзига салбий таъсир этадиган ижтимоий, руҳий, иқтисодий ҳолатларга бардошлилик, уларни қабул қилиш чегараси бўлиб, бу чегарадан ташқарида шахс ўзининг барқарорлиги, тинчлигини сақлашга бўлган бардошини тугатиб, ўзининг манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун кутилмаган тезкор ҳаракатлар қилиши мумкин бўлади.

Ирода одамнинг ўз фаолияти ва психик жараёнларини ўзи бошқаришда намоён бўладиган қобилияти бўлиб, инсон бирон бир ҳаракатни амалга оширишда ўзига ҳукмрон эҳтиёж ва хоҳишларига қарши туради ҳамда ички ва ташқи тўсиқларни енгиб ўтиш учун куч топади. Ироданинг муҳим сифатлари: ўзини тута билиш, дадиллик, қатъийлик, чидам ва тоқат, принципааллик, мустақиллик ва бошқалардир². Ирода инсон ўзининг иқтисодий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидларни енгиб ўтишда муҳим инсоний сифат ҳисобланади.

Юқорида келтирилган қобилият ва сифатларга эга бўлган кишилар, шу жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида шарҳ.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. –217-б.

кўплаб саломатлигида нуқсон бўлган, ногиронлар ҳам мамлакатимизда яратилган эркин фаолият ва ишбилармонлик муҳити шароитида фаол меҳнат қилиб, ўзининг жамиятда мустақкам ўрнига эга бўлиб, шахсий ва оилавий иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб, фаровон турмуш даражаси ва сифатига эришмоқдалар.

Жамиятда мафкуравий, ғоявий, сиёсий ва иқтисодий плюрализмнинг ривожланиши, иқтисодий фаолият, танлаш ва сўз, виждон эркинликларининг кенгайиши ҳар бир шахннинг ўзининг ва бошқа кишиларнинг ҳамда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустақкамлашга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий фаоллигининг ўсишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
4. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «Akademiyа», 2012. -94-95-б.
5. Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: ТМИ, 2005. -182-б.
6. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси.
7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
8. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам 2016 й. - Т., 2016.
9. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., РАГС, 2001. -С. 245.